

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАДЖОНОВА МАРВАРИД ҚУРБОНАЗАРОВНА

**СИНЕРГЕТИКАДА ТАСОДИФ ФЕНОМЕНИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ
ТАҲЛИЛИ**

09.00.01- Онтология, гносеология ва мантик

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
философских наук**

**The content of the dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) of
philosophical sciences**

Мамаджонова Марварид Қурбоназаровна Синергетикада тасодиф феноменининг концептуал таҳлили.....	3
Мамаджонова Марварид Қурбоназаровна Концептуальный анализ феномена случайности в синергетике.....	27
Mamadjonova Marvarid Kurbonazarovna Conceptual analysis of the phenomenon of accident in synergetic.....	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	53

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАДЖОНОВА МАРВАРИД ҚУРБОНАЗАРОВНА

**СИНЕРГЕТИКАДА ТАСОДИФ ФЕНОМЕНИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ
ТАҲЛИЛИ**

09.00.01- Онтология, гносеология ва мантик

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Fa1187 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Туленова Карима Жондоровна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раматов Жуманиёз Султанович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Султанова Гулноза Сабировна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05. рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «22» сентябрь соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (108 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.:(99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2022 йил «10» сентябрда тарқатилди.

(2022 йил «10» сентябрдаги 14 рақамли реестр баённомаси)

И.С.Саифназаров

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

Г.М.Рузматова

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари доктори, профессор

Ж.С.Раматов

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсоният рационал тафаккури мисли кўрилмаган кашфиёт ва ихтироларда намоён бўлмоқда. Бу кашфиётларнинг баъзилари тасодиф натижаси бўлса, айримлари тизимли фаолият маҳсули сифатида эътироф этилмоқда. Замонавий дунёнинг ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий ва сиёсий манзарасига назар ташлайдиган бўлсак, бу соҳаларнинг барчасида беқарорлик, тартибсизликлар кучайиб бораётганини кузатамиз. Шу муносабат билан постноклассик ёндашув ҳисобланаётган синергетика доирасида тасодиф феноменининг концептуал таҳлили, унинг онтологик, гносеологик, методологик жиҳатларини тадқиқ этиш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Дунёда олимлар, файласуфлар томонидан борлиқдаги яхлитлик принциплари, мураккаб ижтимоий тараққиётни бошқариш усуллари, тасодифнинг конструктив хусусиятлари ҳамда тараққиётнинг ночизиқли табиатини ўрганишда тасодиф категориясининг методологик восита сифатидаги моҳиятини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Синергетик парадигмада мураккаб системанинг характерли белгиларидан бири тасодиф омилининг фалсафа ва фан учун эвристик табиатга эга бўлган ғоялар шаклланишига олиб келиши, микрофлуктуация (тебраниш ҳолати)лардаги индивидуал тасодифлар тизимни ўзгартиришга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкинлигининг аҳамиятини очиб бериш, инсон, унинг билиш фаолиятидаги ўрнини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда ўзига хос муҳим жараён кечмоқда. Ўз миллий тараққиётининг янги даврига қадам қўйган, «Учинчи Ренессанс» пойдеворини яратиш борасидаги ислохотларимизнинг таянч ғоясини ифода этувчи¹ Янги Ўзбекистонда «инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш»² мақсадида олиб борилаётган фаолиятга синергетика нуқтаи назаридан туриб баҳо бериш муҳим методологик аҳамият касб этади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда «адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш»³ борасидаги фаолиятларида биз учун тасодифий – эвристик, кўп омилларни ўз ичига қамраб олган тараққиёт дастурининг ишлаб чиқилиши зарурий аҳамиятга эга. Шу маънода, тасодиф феноменининг намоён бўлиш хусусиятларини тадқиқ этиш, эволюцион жараёнда тасодифнинг ўзгарувчанлигининг асосланишини, синергетик жиҳатдан зарурият ва тасодиф алоқадорлиги очик ва ночизиқли бўлиши, улар орасидаги эвристик асосга эга бўлган ғоялар шаклланиши кичик флуктуацияларга боғлиқлигини асослаш биз қураётган жамият ривожидида муҳим роль ўйнайди.

¹ Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти, 2021.- Б.26.

² 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60- сон.

³ Ўша манба.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847 - сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 4 мартдаги сон «2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6181-сон фармонлари, 2018 йил 27 апрелдаги «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3682-сон Қарори ва ушбу мавзуга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фалсафада қадимги даврдан зарурият ва тасодиф категориялари бошлаб жиддий тадқиқ этилган. Тасодиф тўғрисидаги дастлабки қарашлар антик давр юнон файласуфи Эмпедокл, Гераклит, Демокрит, Афлотун, Аристотель, Эпикур таълимотларида кузатилади. Жумладан, Демокрит борлиқдаги барча воқеа – ҳодисалар ривожланишини зарурият билан боғлиқ деб ҳисоблаб, тасодифнинг объектив характерини инкор этган. Файласуф фикрича, «кишилар ўзларининг мулоҳаза юрита билмасликларини яшириш учун тасодифни ўйлаб топишган»⁴. Бундан кўринадики, у тасодифни инсониятнинг уқувсизлиги натижаси деб билган. Эпикур эса Демокритдан фарқли равишда заруриятга эҳтиёж йўқ, деб ҳисоблаган. «Зарурият кулфатдир. Аммо зарурият билан яшашнинг ҳеч қандай зарурияти йўқ»⁵ - дейди Эпикур.

Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Синолар тасодифнинг зарурият билан алоқадорлиги, унинг диалектик талқинига доир салмоқли фикр - мулоҳазалар билдирганлар. Жумладан, Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида ўзига хос туғма белгилари билан кишиларни ҳайратга солган ҳайвонлар ҳақидаги материалларни баён қилиб, қуйидагиларни ёзган эди: «У ҳодисалардан баъзиси (турли) замонларда тасодифий юз беради. Тасодифан юз берган (ҳодиса)дан вақт ўтгач, фақат хабари қолади, холос. Бундай хабарлар рост, бундай хабарни қабул этмай чора йўқ»⁶. Ўрта аср Европа

⁴ Асмус В.Ф. Античная философия.:— 3-е и зд. – М.: Высшая. школа, 1999. – 102 с.

⁵ Ҳақиқат манзаралари.– Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 124.

⁶ Антология мировой философии. Т.1, ч 2.– М.: Мысль, 1969. – С.732.

файласуфларидан Фома Аквинский фикрича, дунёда тасодиф устунлик килади, заруриятга фақат илоҳ эга бўлиб, у тасодифлар хаосида тартиб ўрнатади.

Янги давр Ғарб фалсафасида зарурият ва тасодиф масаласининг кенгайтирилган ҳолда, яъни табиатшунослик фанлари ва фалсафа доирасида онтология ва гносеологиянинг махсус муаммоси сифатида ўрганилиши Р.Декарт, Б. Спиноза, Г.Лейбниц, Д.Юм асарларида ўзининг яққол ифодасини топган. Мазкур файласуфлар қарашларидаги умумий жиҳат шундан иборатки, «тасодиф заруриятнинг эҳтиёжи»⁷ туфайли юзага келади. Яъни, у заруриятсиз мавжуд бўла олмайди. Материянинг шаклланиши ҳам айнан зарурият туфайли юзага келган тасодифдир.

Классик фан ва фалсафа анъаналарига суянган ҳолда рус файласуфларидан Н.В.Пилипенко, В.И.Купцов, А.П.Шептулин, Ўзбекистонлик файласуфлар Ж.Т.Туленов, В.С.Никитченко, К.И.Иванова, М.Хасанов, М.Моилов ва бошқа⁸лар зарурият ва тасодиф категорияларининг тарихий ва замонавий жиҳатларига оид илмий-назарий қарашларни илгари сурганлар.

Ностандарт ёндашув ҳисобланаётган синергетика доирасида тасодифнинг онтологик, гносеологик, методологик жиҳатларини тадқиқ қилишда В.И.Аршинов, В.П.Бранский, Ю.А.Данилов, Е.Н.Князева, С.П.Курдюмов, А.П. Назаретян, Г.И.Рузавин ва бошқа⁹ларнинг хизматларини тилга олиш ўринли. Чунки, мазкур олимлар олиб борган илмий изланишлар орқали тасодиф категорияси янгича маъно-мазмун билан бойитилди. Улар тадқиқотларига хос умумий жиҳат шундан иборатки, тасодиф маълум маънода диссипатив структурага эга ҳисобланган инсон ҳаётига, айниқса, унинг ижодий қобилиятига туртки беради, шунинг учун ҳам инсон ўз саволларига борлиқдан турли даражада жавоб олади. Бу эса унинг борлиқдаги кўпгина сир - синоатларни очишига ёрдам беради.

Мамлакатимизда олиб борилган баъзи тадқиқотларда ҳам тасодиф ва заруриятнинг диалектик бирлиги хусусиятлари ўрганилган. Хусусан, О.Файзуллаев, М.Абдуллаева, Б.Каримов, Н.Шермухаммедова, З.Давронов,

⁷ Пилипенко Н.В. Диалектика необходимости и случайности. – М.: Мысль, 1981. – С. 26-27.

⁸ Пилипенко Н. В., Диалектика необходимости и случайности. – М.: Мысль, 1981.; Купцов В.И ва б. Философия и методология науки. – М.: АСПЕКТ ПРЕСС, 1996. – 551 с.; Шептулин А.П. Диалектический метод познания. – М.: Политиздат, 1983. – 320 с.; Туленов Ж.Т. Диалектика назарияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 324 б.; Иванова К.И. Принцип причинности в системе принципов диалектики. Ташкент: Фан, 1974. – 122 с.; Никитченко В.С. Сущность и явление в соотношении с другими категориями. – Ташкент: Фан, 1982. – 74 с.; Хасанов М., Моилов М. Философские категории и научное познание. – Тошкент: Фан, 1978. – 346 с.; Иванова К.И. Принцип причинности в системе принципов диалектики. – Тошкент: Фан, 1974. – 122 с.

⁹ Аршинов В.И. Синергетика как феномен постнеклассической науки. – М.: ИФРАН, 1999. – 203 с.; Бранский В.П. Социальная синергетика как постмодернистская философия истории // Общественные науки и современность. – М.: 1999. -№ 6. – С.117-127.; Данилов Ю.А. Синергетический подход к изучению языка: возможности, ограничения и опасности // Философия науки, вып.3.- М.: ИФ РАН, 1997. – С.213-216; Князева Е.Н., Курдюмов С.П. Синергетика: нелинейность времени и ландшафты коэволюции. – М.: Изд Едиториал УРСС, 2007. – С. 272; Назаретян А.П. Синергетика в гуманитарно знании: предварительные итоги // Общественные науки и современность. – М.: 1997. – № 2.- С.91-98.; Рузавин Г.И. Эволюционная эпистемология и самоорганизация // Вопросы философии. – М.: 1999. – № 11. – С. 90-101.

К.Ж.Туленова, И.Ҳошимова, Р.М. Имамалиева, Б.Тураев, Э.М. Иззетова, Ф.Мусаев, Г.Гаффарова, М.Н.Ниязимбетов, Б.Салимов, Г.С.Султонова Д.М.Бозоров, М.Х.Эргашева ва бошқалар тасодифнинг турли соҳаларда намоён бўлишига оид илмий фикр - мулоҳазалар билдириб ўтганлар. Жумладан, О.Файзуллаевнинг таъкидлашича, «Ташқи шароит ички фаолликни амалга оширади. Шу билан бирга, ташқи муҳитни ўзгартирадиган тасодифларга ҳам бардош бериш жониворларни фаоллаштиради».¹⁰ Бизнинг назаримизда, масалага бундай ёндашув синергетик тадқиқот мезонига мувофиқ келади. Чунки, синергетикада тирик табиат очиқ тизим сифатида тадқиқ этилади, унинг ҳалигача инсониятга номаълум бўлган жиҳатларини очишга ёрдам беради.

Синергетикада тасодифнинг конструктив роли масаласига муайян даражада изоҳ берган Б.Л.Салимов «...тасодифни чуқур ўрганиш натижасида тасодифнинг ижобий томонларига ҳам баҳо бериш, унинг диалектикасини аниқлаш ва таҳлил қилиб, хулосалар чиқариш илмий билишда долзарбдир»¹¹, деган хулосага келган. Айтиш пайтда, мазкур ишдаги баъзи концептуал ғояларнинг хусусан, билиш жараёнида зарурият ва тасодифнинг диалектик билигини ҳисобга олинганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур.

Олимларнинг тасодиф ва зарурият категорияларининг шаклланиш хусусиятлари, ўзаро боғлиқ ҳолда такомиллашиш жараёнлари тўғрисидаги қарашлари илмий билиш, диалектик тафаккур доирасида илмий- назарий жиҳатдан кенг таҳлил қилинган. Лекин фаннинг турли соҳаларида сифат ўзгаришларини юзага келтирувчи синергетик асосда шаклланаётган тасодифга муносабат етарли даражада ўрганилмаганлиги боис, ушбу диссертацияда тасодифнинг конструктив роли, унинг зарурият категорияси билан узвий боғлиқлигини янги концептуал нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ва ҳозирги даврдаги аҳамиятини ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ҳозирги замон жамияти ва фаннинг фалсафий методологик муаммолари» илмий йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади синергетикада тасодиф феноменининг онтологик ва гносеологик жиҳатларини концептуал қарашлар асосида олиб боришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«тасодиф» тушунчасининг мазмун-моҳиятини ўрганиш, зарурият ва тасодиф категорияларининг синергетик парадигмада тутган ўрни масаласини илмий - методологик жиҳатдан асослаш;

борлиқнинг яхлитлиги, тизимлилигида тасодифнинг акс этишига оид қарашларни синергетик нуқтаи назаридан очиқ бериш;

¹⁰ Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. – Б.109.

¹¹ Салимов Б.Л. Илмий билиш жараёнида тасодифнинг ўрни: Фалс. фан.ном..... дис.... автореф. – Тошкент. ЎзМУ, 2008.- Б.5.

ижтимоий тараққиётда тасодифнинг ўрни масаласи қўйилиши заруриятини фактлар асосида очиб бериш;

Ўзбекистонда демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришда зарурият ва тасодиф алоқадорлигининг янги жиҳатларини асослаш.

Тадқиқотнинг объектини синергетикада тасодиф феномени ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети синергетикада тасодиф феноменининг онтогносеологик жиҳатларини ўрганишдан иборат

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда синергетика ва диалектика методологияларининг ўзаро алоқадорлиги тамойиллари, илмий билишнинг анализ ва синтез, умумлаштириш, тизимлаштириш, индукция, дедукция усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

борлиқнинг яхлитлиги, тизимлилигида зарурият ва тасодиф бирлигининг акс этишига оид диалектик қарашларни макон ва замон билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилиш глобализм, детерминизм ва темпорализм контекстида борлиқдаги тасодифий ўзгаришларнинг мураккаб манзарасини акс эттириши очиб берилган;

тараққиёт жараёнининг нозизиқлик ҳолати ва унда зарурият ва тасодифнинг бифуркация нуқталарида ифодаланишининг тизим ости элементларига хос тузилма сифатида траектория ва энергия тарқалишига боғлиқ хусусиятлари асосланган;

эволюция жараёнида тасодифнинг ўзгарувчанлиги, парадигмалар ўзгаришида асос вазифасини бажариши имконият ва воқелик, сабаб ва оқибат категорияларига боғлиқлиги ҳамда заруриятнинг ўзгарувчанлиги воқеликнинг энг умумий алоқадорлигини акс эттирувчи айримлик, хусусийлик ва умумийлик, моҳият ва ҳодиса, қонуният каби категорияларга асосланиши очиб берилган;

зарурият ва тасодифнинг ўзаро алоқадорлиги синергетик жиҳатдан очик ва нозизиқли кўп элементли бўлиши, улар орасидаги эвристик асосга эга бўлган ғоялар шаклланиши кичик флуктуацияларга, нотекис ҳолатга ўтиш билан боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

синергетикада фалсафий категориялар тизими ва уларнинг структураси янгиланишидаги илмий кашфиётлар эволюцияси, ўз-ўзини ташкиллаштириш назариясини илмий билимлар ривожидидаги ўрнини рационал баҳолаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

синергетикада тасодиф ҳодисаси конструктив механизмларининг тизимли жорий этилишини фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этиш орқали унинг онтологик ва эпистемологик асосларини ривожлантиришдаги фундаментал ва амалий тамойиллар асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари, тўпламлар, ОАК журналларида чоп этилган мақолалар,

диссертация хулосаларининг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан табиат, жамият ва инсон фаолиятининг ўз-ўзини ташкиллаштириш имкониятлари, синергетик жараёнларда тасодиф феноменини намоён бўлиш хусусиятларини тадқиқ қилишга асосланган назарий - фундаментал тадқиқотлар ҳамда услубий ёндашувлар воситаларини такомиллаштириш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий концептуал хулосалар, таклиф ва тавсиялардан олий ўқув юртларида фалсафа йўналишининг бакалаврият ва магистратура босқичларида ўтиладиган «Фалсафа ва фан методологияси», «Илмий тадқиқот методологияси», «Ҳозирги замон илмий тафаккур тарзи. Синергетика», «Фан фалсафаси», «Борлиқ фалсафаси», «Билиш фалсафаси» каби фанлардан дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, мавзуга оид илмий-оммабоп маърузалар, фалсафа фани бўйича турли даражада тақдимотлар тайёрлашда, илмий-фалсафий луғатлар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Синергетикада тасодиф феноменининг концептуал таҳлили бўйича ишлаб чиқилган фалсафий - методологик таклиф ва тавсиялар асосида:

борлиқнинг яхлитлиги, тизимлигида зарурият ва тасодиф бирлигининг акс этишига оид диалектик қарашларни макон ва замон билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилиш глобализм, детерминизм ва темпорализм контекстида борлиқдаги тасодифий ўзгаришларнинг мураккаб манзарасини акс эттиришига оид қарашлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон тарихи» телеканали кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 19 ноябрдаги 01-40-1752-сон маълумотномаси). Натижалар телетомошабинларнинг тасодиф, тасодиф тўғрисидаги тасаввурлар эволюцияси, борлиқ, ижтимоий борлиқ, борлиқдаги беқарор ва барқарор муносабатлар тўғрисидаги билимлари ошишига, кишилараро ижтимоий барқарор муносабатлар таъминланишига хизмат қилган;

тараққиёт жараёнининг ночизиқлик ҳолати ва унда зарурият ва тасодифнинг бифуркация нуқталарида фойдаланишининг тизим ости элементларига хос тузилма сифатида траектория ва энергия тарқалишига боғлиқ хусусиятлари ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020-2021 йилларга мўлжалланган иш режасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 28 майдаги 02-02/1413-сон маълумотномаси). Натижалар оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш каби вазифалар ижросига хизмат қилган;

эволюция жараёнида тасодифнинг ўзгарувчанлиги, парадигмалар ўзгаришида асос вазифасини бажариши имконият ва воқелик, сабаб ва оқибат категорияларига боғлиқлиги ҳамда заруриятнинг ўзгарувчанлиги воқеликнинг энг умумий алоқадорлигини акс эттирувчи айримлик, хусусийлик ва умумийлик, моҳият ва ҳодиса, қонуният каби категорияларга асосланишига оид хулосалардан Ўзбекистон Экологик партиясининг 2020-2021 йилларга мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Экологик партиясининг 2021 йил 27 октябрдаги 552-сон маълумотномаси). Натижалар узлуксиз экологик таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш, аҳолининг экологик маданияти даражасини юксалтириш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилган;

зарурият ва тасодифнинг ўзаро алоқадорлиги синергетик жиҳатдан очик ва ночизиқли кўп элементли бўлиши, улар орасидаги эвристик асосга эга бўлган ғоялар шаклланиши кичик флукутацияларга, нотекис ҳолатга ўтиш билан боғлиқлиги оид назарий ҳамда амалий хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказида ўтказилган тарғибот фаолиятларида фойдаланилган. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 15 июндаги 02/02/1082 сон маълумотномаси). Натижалар Янги Ўзбекистон истиқболидаги аҳамиятга доир фалсафий хулосалар ва таклифларни ишлаб чиқиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (3таси республика, 2таси хориж журналларида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 127 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика ва фан технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар сони, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Тасодиф тўғрисидаги синергетик қарашларнинг шаклланиши» деб номланиб, унда тасодиф, тасодиф тўғрисидаги тасаввурлар эволюцияси, фалсафий - тарихий илдизлари, унинг зарурият билан алоқадорлиги тўғрисидаги синергетик қарашларнинг шаклланиши, хусусан, бу масалага анъанавий ва ноанъанавий ёндашишлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган. Зарурият ва тасодиф категорияларининг ҳозирги замон фани ва фалсафаси ривожига ўрни синергетик таҳлил қилинган.

Тадқиқотда синергетикада зарурият ва тасодиф алоқадорлигига диалектикадан бирмунча фарқли ёндашилиши, унда тасодиф мураккаб системанинг зарур тузувчиси эканлиги, ривожланишнинг бошланғич асоси деб қаралиши, хаос, беқарорлик – тасодифнинг мавжудлик шакли, деб ҳисобланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Тасодиф объектив борлиқда амал қиладиган маълум ҳодисалар гуруҳида нисбий мустақиллик ва бунёдкорлик мавқеига эга, муайян воқеликнинг ўзгаришини тезлатишига ёки секинлатиши мумкин бўлган ҳодиса бўлиб, у зарурият билан биргалликда муайян алоқадорлик шаклини ҳосил қилади. Турли кўринишларда амал қилувчи тасодифларни кузатиш ва тадқиқ этиш, уларнинг ички қонуниятини очиш инсоният учун ноқулай бўлган ҳолат ва воқеаларнинг олдини олиш имконини беради. Тасодифларни ўрганиш табиат сирларини чуқурроқ очиш, жамият ҳодисаларини янада тўғрироқ тушуниш, уларни мақсадга мувофиқ йўналтириш ва бошқаришга хизмат қилади.

Диссертацияда фалсафа тарихидаги асосий мураккаб муаммолардан бири бўлган зарурият ва тасодиф муаммоси фалсафанинг моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл, бутун ва қисм, сабаб ва оқибат, имконият ва воқелик, детерминизм ва индетерминизм каби жуфт категориялар билан боғлиқ ҳолда ёритилади.

Фалсафий маънода зарурат сабаб-оқибат ўртасидаги муносабат билан чамбарчас боғлиқ. Муайян даражада амалга оширилган ҳаракат ёки ҳодиса, албатта, маълум таъсирни келтириб чиқаради. Мисол учун, иккита ёғоч бири-бирига ишқаланса, иссиқлик ҳосил бўлади. Сабаб ва оқибат ўртасидаги чексиз кузатувлар ва амалий тажриба билан тасдиқланган бу муносабат фалсафа фанида асосий ўринни эгаллайди. Аксинча, тасодиф ҳеч қандай сабабсиз содир бўладиган қутилмаган ҳодиса, деб ҳисобланиб, нарсаларнинг ўз табиатига кирмаган хусусиятини ифодалайди. Масалан, икки варақ қоғоз ҳавога ташланса, улар, одатда, тортишиш қонуни туфайли ерга тушади. Бу сабаб, заруриятнинг мисолидир. Аммо қутилмаганда ҳаво шамол қоғознинг учи кетишига сабаб бўлса, бу кўпинча тасодиф деб қаралади.

Фалсафа луғатида заруриятни, айниқса, инсон ҳаёти ва хатти-ҳаракатидан ажралмас ва бошқариб бўлмайдиган қонун қонуни билан боғлиқ ҳолда, бирор нарса содир бўлиши ёки бажарилишига мажбур қилувчи шарт-шароитлар мажмуи¹² сифатида таърифланади. Бинобарин, зарурат

¹² Фалсафа. Энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – Б. 114-115.

қонун устуворлигидадир, уни илмий жиҳатдан ифодалаш ва башорат қилиш мумкин. Тасодиф - содир бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин бўлган ҳодиса. Ҳаётий тажриба инсонларни зарурат ҳам, тасодиф ҳам мавжудлигига ва инсон ҳаётида муайян роль ўйнашига ишонтиради.

Ўтмишдаги аксарият файласуфлар воқеликдаги нарса, ҳодисалар муайян сабаблар асосида содир бўлар экан, демак, оламда тасодиф бўлмайди, ҳар қандай ҳодиса маълум сабаб туфайли юзага келадиган зарурият, деб қараганлар. Оқибатда, улар оламда тасодифга ўрин йўқ, мавжудлик ва тараққиётни биргина зарурият белгилайди, деган бир томонлама хулоса чиқарганлар. Жумладан, қадимги дунё фалсафасининг Левкипп ва Демокрит каби вакиллари, янги замон фалсафасининг П.Гольбах, Б.Спиноза каби намояндлари метафизик детерминизм позициясида турганлари ҳолда, шундай фикрларни илгари сурдилар. Синергетикада заруриятдан кўра тасодифнинг имкониятларига кўпроқ эътибор берилади. Чунки, оламда зарурий ҳодисаларгина эмас, балки тасодифлар ҳам бунёдкорлик руҳини ўзида мужассам этади.

Синергетикада ўрганилаётган тизим очиқ ва ночизиқли бўлиши, кўп элемент ва тизимлардан иборат (электронлар, атомлар, молекулалар, тўқималар, нейронлар, органлар, мураккаб организмлар, ижтимоий гуруҳлар ва ҳ.к.) бўлиши, улар орасидаги ўзаро таъсир кичик флуктуацияларга, аҳамиятсиз тасодифий ўзгаришларга бой ва беқарор, нотекис ҳолатда бўлиши мумкинлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Синергетика тасодиф ва зарурийликни аниқлаштирадиган, тўлдирадиган янги категорияларни шакллантириб, бизни ўраб турган дунёдаги жуда кўп детерминистик, индетерминистик муносабатларни, бифуркация, флуктуация ҳолатларини тушунишимизга ёрдам беради. Жумладан, бундай янги категориялар қаторига хаос ва тартибни мисол қилиб келтириш мумкин. С.П. Курдюмов ва Е.И. Князеваларнинг фикрича, хаос мураккабликдан иборат тасодиф бўлса, (яратиш-бузиш, конструктив - деконструктив жараёнлар) тартиб зарурийлик (оддийлик, эҳтиёж, қонун, гўзаллик, уйғунлик)дир¹³. Н.А.Шермухамедованинг таъкидлашича, «Хаос тўғрисидаги фан ҳолатлар, борлиқ тўғрисидаги эмас, балки шаклланиш тўғрисидаги фандир»¹⁴. Мазкур ёндашув борлиқдаги тасодифий ўзгаришларнинг мураккаб манзарасини ўрганишда зарурийлик ва сабабийликнинг бир - бирини тўлдириб, ўзаро мос келишининг қай тариха юз беришини тушуниш имкониятини беради. И.Пригожин, Г.Николисларнинг таъкидлашларича, синергетик нуқтаи назарига кўра, борлиқдаги қайтмас жараёнлар фақат шундай тизимларда юзага келиши мумкинки, уларнинг хатти - ҳаракати муайян даражада тасодиф қонунларига бўйсунди. Вақт кўрсаткичи шундай тизимларда пайдо бўладики, тасодифлар ҳисобига уларнинг келажакига таъсир кўрсатилмаган

¹³ Князева Е.Н., Курдюмов С.П. Законы эволюции и самоорганизации сложных систем. – М: Наука, 1994. – С.90.

¹⁴ Шермухамедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Университет, 2005. – С.162.

бўлади¹⁵. Бизнинг назаримизда, тизимларнинг мавжудлик ҳолатлари термодинамиканинг иккинчи қонуни истисно этадиган ҳолатлардан ажралиб туради, чунки унда энтропик чегара мавжуд. Шунинг учун ҳам ночизиқли жараёнлар мазкур чегарани вақт кўрсаткичига қарама-қарши томон йўналиш олишга йўл қўймайди.

Диссертацияда тасодифнинг янгиликни яратишда алоҳида ўрни борлиги, синергетика нуқтаи назаридан тасодифнинг бир қанча кўриниш ва ҳолатлари мавжуд бўлиб, улар ҳар қандай ривожланиш жараёнини тартиб ва тартибсизликнинг уйғунлиги асосида акс эттириши масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Борлиқдаги зарурий алоқадорликни тасодифлар динамикаси белгилайди. Айнан шунинг учун ҳам синергетика флуктуация гўёки тасодифий, ҳамма вақт мавжуд бўлмаган тор доирага эга, тизимнинг эволюцион тараққиётида унга йўл кўрсата олмайди, деган тасаввурни инкор қилиб, очиқ тизимда кичкина таъсир, яъни флуктуация, тасодифийлик тизимнинг муҳим ўзгариш ва натижаларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Ўтмишдаги файласуфлар тасодифийлик табиатини заруриятнинг белгиловчи хусусияти билан боғлашган бўлса, ҳозирда унинг акси бўлиши мумкинлиги ҳам ўз исботини топмоқда.

Шундай қилиб, синергетикада зарурият ва тасодиф соҳасидаги илмий изланишлар юқорида айtilган ғояларнинг илгари сурилиши ва асосланишига олиб келди. Бу ғоялар тасодифни ўрганиш, хусусан унинг эволюцион тараққиёт истиқболини белгилаб олишда муқобил йўللарни кўрсатиб беришини чуқур тадқиқ этиш зарурлигини асослади. Лекин шу ўринда қайд этиш керакки, нафақат тасодиф заруриятни, балки зарурият ҳам тасодифни тўлдириши мумкин.

Диссертациянинг **«Синергетик парадигмада тасодиф ва заруриятнинг ўзига хос алоқадорлиги»** деб номланган иккинчи бобда борлиқнинг яхлитлиги, тизимлилигида тасодиф ва зарурият бирлигининг акс этиши хусусиятлари, тараққиёт жараёнининг ночизиқлик ҳолати ва унда зарурият ва тасодифнинг ифодаланиши, флуктуация ҳолатидаги тасодиф ва зарурият муносабатлари тадқиқ қилинади.

Ушбу бобда «тасодиф» тушунчасининг фан ва эволюция билан боғлиқ масалаларда иккита далил устувор ўрин эгаллашига алоҳида эътибор қаратилади. Биринчисида, фанда «тасодиф» тушунчасига мутлақо ўрин йўқ, деган даъво мавжуд. Баъзи одамлар табиатда ҳеч нарса тасодифан содир бўлмайди, деб ҳисоблашади. Яъни, олимлар илмий масалада бирор ҳодиса «тасодифан» шундай содир бўлган, деб айtilса, худди илм доирасидан чиқиб кетган, имконсиз воқеа ҳақида гапирётгандек муносабатда бўлишади. Аслида эса бу коинотдаги ҳамма нарса олдиндан белгиланган қоидалар ва қатъий абсолютизмга асосланган деган қарашнинг нотўғри кенгайтмасидир. Иккинчи далил эса, эволюция «тасодифлар билан тўла» ва бундан ҳам муҳими, эволюцион ёндашув ҳамма нарсани «тасодифлар» билан изоҳлайди.

¹⁵ Пригожин И., Николис Г. [Самоорганизация в неравновесных системах: От диссипативных структур к упорядоченности через флуктуации.](#) – М.: Книга Мир, 1979. – 512 с.

Бошқача айтганда, соҳа вакилларининг фикрича, эволюция коинотнинг бошланишидан тортиб, одамларнинг қарорларигача ҳамма нарса тасодифан пайдо бўлган, деб даъво қилади. Бирок, эволюцион қарашларга хос бўлган «тасодиф»ни белгилаш ва уни бошқа табиий қонунлардан ажратиш катта хато бўлади.

Ҳозирги замон постноклассик фанида зарурият ва тасодиф масаласи структуравийлик ва стохастиклик нуқтаи назаридан объектив ва ўзаро тенг, деб эътироф этилади. Бунда тасодиф ва стохастикликка деструкция деб эмас, балки ижобий ҳолат, деб қаралади. Шу маънода, тасодифга субъектив фаолиятнинг муттасил аралашуви постноклассик фаннинг муҳим белгиси бўлиб қолади.

Тадқиқотда айнан синергетика борлиқ яхлитлигини зарурият ва тасодиф муносабати орқали тадқиқ қилиш масаласида парадигмал силжишлар содир этиши билан муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратилган. Олимларнинг таъкидлашларича, синергетикада тасодифни ўрганишга янгича ёндашувларда методологик таҳлил зарурият ва тасодифнинг бирлиги доирасида кўпроқ тасодифга бағишланмоқда.

Синергетик парадигмада борлиқнинг яхлитлиги, тизимлилигида тасодиф ва унинг зарурият билан бирлиги масаласининг моҳиятини тушуниш учун метод айланиши принципини киритиш, шунингдек, бу ғоя ривожланишининг синергетик методологияда жуда муҳим масалалардан бири ҳисобланишини билиш даркор. Борлиқнинг яхлитлиги, системалилигида зарурият ва тасодиф бирлигининг акс этиши, аввало уларнинг бир-бирини тўлдиришида намоён бўлади. Унда системаларнинг ўзаро таъсирлашувининг конструктив асослари, тасодифнинг бунёдкорлик руҳи фундаментал аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда синергетик ёндашув зарурий ва тасодифий хусусиятга эга бўлган ҳодисаларни, хусусан, оммавий ҳодисаларни ўрганишда кенг қўлланилмоқда. Шу билан боғлиқ ҳолда фалсафадаги тасодифий, эҳтимолий фикр юритиш тарзининг шаклланиб келаётганлиги тўғрисида кўп баҳс-мунозарали фикрлар ҳам илгари сурилмоқда. Хусусан, Л.В.Тарасов борлиқнинг яхлитлиги, тизимлилигида зарурият ва тасодиф бирлигининг акс этишини тадқиқ этар экан, тасодифнинг конструктив аҳамиятига эътибор қаратиб, «тасодиф эҳтимолий билимларни шакллантирадиган ва объектив воқеликнинг мавҳум жиҳатларини ўрганишга ёрдам берадиган ҳодисадир»¹⁶, деган хулосага келади. Масалага бундай ёндашишда борлиқ тўғрисидаги ҳар хил назариялар ўртасидаги категориал фарқларни пайқаса бўлади. Масалан, борлиқдаги мураккаб тизимларни ўрганишда баъзан қатъий детерминизм принциpidан келиб чиқиб, назарияларнинг структурасидан эҳтимоллик ва тасодиф категориялари чиқариб ташланади. Баъзи ҳолларда, хусусан, синергетика парадигмаси қўлланилганда, борлиқни тадқиқ қилишда илмий назарияларнинг категориал аппаратида эҳтимоллик, эҳтимолий тақсимланиш

¹⁶.Тарасов Л.В. Закономерности окружающего мира. В 3-х кн. Случайность, необходимость, вероятность. Кн.1 – М: УРСС, 2004. – 384 с.

ва тасодиф категориялари киритилади. Буни ҳозирда жуда кўп тадқиқотчилар яхши тушунишади.

Диссертацияда синергетик концепцияларнинг шаклланиши билан тасодиф тўғрисидаги қарашлар ўзининг мутлақо янги қиёфасини намоён этиши, турли фан соҳаларида илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиши билан ҳам ўзига хос маъно -мазмун касб этиши ҳақида фикр юритилган.

Борлиқдаги мураккаб янги сифатий ўзгаришлар ҳосил бўлишида тасодифнинг конструктив характерга эга эканлиги айнан синергетик нуқтаи назардан исботлаб берилди. Бу эса бошқа фан соҳалари вакиллари қатори файласуфларда ҳам коинот, табиат, жамият ва инсон борлиғи ҳақидаги тасаввурлар ўзгаришига олиб келди. Тараққиёт фақатгина чизикли ёки инкилобий характерга эга бўлган жараёндангина иборат бўлмай, унда ночизиклилик ва эволюцион ўзгаришлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Синергетикада айнан шундай мураккабликларни талқин этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Хулоса қилганда, ночизикли муҳитнинг беқарор ҳолати унинг кичик флукутацияга таъсирчанлигини англатади. Беқарорликда деярли ҳар доим микро ва макро масштаблар алоқасини кўрсатувчи нимадир мавжуд бўлади. Термодинамик мувозанат ҳолатида ҳолат параметрлари ўзгармас бўлади, лекин уларга ўзларининг мувозанат қийматлари яқинида кичик четланишлар ҳам хос. Бундай четланишлар флукутациялар дейилади. Флукутация деб, у ёки бу катталиқнинг кичик ҳажм ёки вақтнинг кичик оралиқлари давомида ўртача қийматларидан чеккага чиқишларига айтилади. Флукутация қалқиб турган тизимнинг оғиши билангина изоҳланмайди, унда туб сифатий ўзгаришлар, янги тизимлар ҳосил бўлиши кузатилади. Синергетика флукутация гўёки тасодифий, ҳамма вақт мавжуд бўлмаган кичкина масштаби, тизим эволюциясида унга йўл кўрсата олмайди, деган тасаввурни йўққа чиқаради. Очик ночизикли муҳитларда (бу биз яшайдиган дунёга хос) кичкина таъсир, яъни флукутация, тасодифийлик муҳим натижаларга олиб келади. Кам флукутация макроструктурага ўсиб ўтиши мумкин. Бу синергетиканинг фанда амалга оширган яна бир туб ўзгартиришидир.

Диссертациянинг учинчи боби «**Жамият тараққиёти тўғрисидаги концепцияда зарурият ва тасодифнинг аҳамияти**» деб номланган. Мазкур бобда жамият тўғрисидаги синергетик концепцияда тасодифнинг ижтимоий тараққиётдаги конструктив жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган, у билан боғлиқ масалалар ҳамда устувор йўналишлар таҳлил этилган. Шунингдек, бу бобда ижтимоий жараёнларда тасодифнинг ўзига хос ўрни ҳамда мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда зарурат ва тасодифнинг ўзаро алоқадорлигига оид фикр-мулоҳазалар, хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Атрофимизда содир бўлаётган кўплаб ўзгаришлар «хаотик» характерга эга, чунки улар жуда кўп табиий ўзгарувчиларга боғлиқ. Хаотик жараёнлар табиат ҳодисаларига хос бўлган ўзгарувчанликнинг кўплиги ва хилма-хиллигини ифодалайди. Кўпинча уларни индивидуал омилларга ажратиб бўлмайди. Мисол учун, иқлим ўзгариши мураккаб ҳодиса, чунки минглаб

параметрлар бирга мавжуд бўлиб, натижага таъсир қилади. Шу сабабли, эҳтимол, 1 кунлик об-ҳавони олдиндан айтиб беришимиз мумкин; аммо 2 кун, 1 ҳафта, 1 ойлик ўзгаришларни олдиндан аниқ айтиш даргумон. Бунинг сабаби бизда мавжуд бўлган математик моделлар табиатга тўлиқ мос келмаслиги билан чамбарчас боғлиқ.

